

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2025 ЙИЛ — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2025 йил 9 январь, № 5 (8900) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# МАМЛАКАТ ҚУДРАТИ, ШОН-ШАРАФ ВА САДОҚАТ ТИМСОЛИ





**14 январь — Ватан ҳимоячилари куни**



*Дунёда шундай касб эгалари борки, уларга ёзнинг жазирамаси, қишнинг аёзи таъсир кўрсатмайди. Чунки улар элу юртни қўриқлаш, халқимизнинг тинч, фаровон турмуш кечириши учун масъулиятни ўз зиммасига олган. Бу шарафли касб эгалари ҳарбий хизматчилардир.*

*Янгиланиб бораётган Ўзбекистон сифатида танилаётган мамлакатимизда ҳарбий соҳани ислоҳ қилиш, Қуролли Кучларимиз салоҳиятини тобора ошириш, ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасидаги ишларни давр талаби даражасида йўлга қўйиш масаласига устувор аҳамият қаратилмоқда.*

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев бошчилигида соҳага қаратилаётган эътибор натижасида янги Ўзбекистон армияси мамлакат қудрати, чексиз ифтихор ва садоқат намунасига айланди.

Аниқ стратегия ва чора-тадбир асосида Қуролли Кучларимиз ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан такомиллаштириб борилмоқда. Уларнинг жанговар салоҳияти юқори даражага кўтарилиб, ҳарбий қисм ва полигонлардаги инфратузилма, ҳарбий хизматчиларнинг шароитлари янада яхшиланаётир.

Ҳар йили 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни, Қуролли Кучларимиз ташкил топган кун муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев раислигида Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган йиғилиши ўтказилади.

Унда жаҳонда юз бераётган вазиятлар кенг таҳлил қилиниб, мудофаа тизими олдига янги-дан-янги талаблар қўйилмоқда ва уларни ҳаётга татбиқ этиш учун зарурий ресурслар ажратиб келинмоқда.

➡ 2

**Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси:**

# ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИ ВА ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИ КУЧАЙТИРИЛАДИ

*Жаҳондаги мураккаб сиёсий жараёнлар ва иқтисодий беқарорликларга қарамасдан Ўзбекистонда кенг кўламли ислоҳотлар самарали олиб бориляпти. 2024 йилда иқтисодиётимиз барқарор ўсишда давом этди, ташқи алоқалар кенгайиб, хорижий инвестициялар оқими ва экспорт ҳажми сезиларли даражада ортди. Бу ютуқлар Президентимиз раҳбарлигидаги оқилона сиёсатнинг амалий натижаси бўлиб, Ўзбекистоннинг келажакка ишончли қадам ташлаётганининг яққол далилидир.*

**Таҳлил**

Шу ўринда миллий иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш мақсадида самарали бюджет, солиқ ва пул-кредит сиёсатини юритиш, рақобат муҳитини яхшилаш, давлатнинг иқтисодиётга таъсирини камайтириш ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг хуқуқий асосларини такомиллаштириб бориш устувор йўналишлардан бирига айланганини таъкидлаш жоиз. Бундан ташқари, молия бозорини янада ривожлантиришда суғурта, микромолиялаш, факторинг хизматларини замон талаблари даражасида йўлга қўйиш, ипотека ва қимматли қоғозлар соҳаларини янада тараққий эттиришнинг қонуний тартибга солиш механизмлари такомиллаштирилмоқда.

### Мукаммал ҳуқуқий ҳужжатлар — тараққиёт кафолати

Кейинги йилларда олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотлар динамикаси бюджет, солиқ, пул-кредит сиёсати ҳамда иқтисодий ислоҳотларга оид қонунларни такомиллаштириш ва уларни замон талабларига мослаштиришга бўлган эҳтиёжни тобора орттирмоқда. Бунинг яққол далили сифатида Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси томонидан 2024 йилда амалга оширилган қонун ижодкорлиги фаолиятида эришилган натижаларни келтириш мумкин. Юқоридаги йўналишлар бўйича қонунчилик асосларини такомиллаштириш борасида қўмита жами 36 та қонун лойиҳасига масъул бўлди ва шулардан 28 таси қабул қилиниб, Сенатга юборилди.

Қўмита томонидан қатор янги ва яхлит қонун лойиҳалари устида иш олиб борилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Тадбиркорлик кодекси, "Энергияни тежаш, ундан оқилона фойдаланиш ва энергия самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги, "Банклардаги омонатларни ҳимоя қилиш кафолатлари тўғрисида"ги ва "2025 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги каби яхлит қонунлар шулар жумласидандир.

Бундан ташқари, қўмита томонидан Бюджет, Солиқ ҳамда Божхона кодексларига, шунингдек, "Давлат божи тўғрисида"ги, "Валютани тартибга солиш тўғрисида"ги, "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги қонунларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи қатор қонун лойиҳалари кўриб чиқилиб, улар тегишли мутасадди идораларнинг вакиллари ҳамда соҳа мутахассисларини жалб этган ҳолда такомиллаштирилди ва депутатлар муҳокамасига киритилди.

Қўмита масъуллигида қабул қилинган қонунларда барқарор макроиқтисодий сиёсат юритишнинг замонавий усулларини қўллашга оид ҳуқуқий асослар такомиллаштирилди. Бюджет ва Солиқ кодексларида бир қатор янги нормалар акс эттирилиб, солиқ солиш тизими соддалаштирилди, ишбилармонлик ва инвестиция фаоллигини ошириш мақсадида солиқ юкини камайтиришга қаратилган нормалар маромига етказилди.

➡ 2

**Олий Мажлис Сенатида**

# ИНВЕСТИЦИЯЛАР – МАКРОИҚТИСОДИЁТНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ КАФОЛАТИ

*Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитасининг навбатдаги мажлисида "Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида"ги қонун дастлабки тарзда муҳокама қилинди.*

Унда сенаторлар, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг доимий комиссиялари аъзолари, мутахассис ва экспертлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Сўзга чиққанлар таъкидлаганидек, мамлакатимизда қулай инвестициялар муҳитини яратиш, тўғридан-тўғри инвестицияларни фаол жалб қилиш, соҳада фаолият юритаётган маҳаллий ва хорижий инвестор ҳамда тадбиркорларнинг ҳуқуқларини кафолатлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Инвестиция фаолиятини асоссиз текширувлардан ҳимоялашни кафолатлаш, инвесторларнинг ҳуқуқ-мажбуриятлари ва уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, амалдаги инвестиция қонунчилигини илғор халқаро стандартлар, жумладан, Жаҳон савдо ташкилотининг қоидаларига мослаштириш зарурати бугунги кун талабидир.

➡ 2

**Олий Мажлис Қонунчилик палатасида**

# ИНСОН ҲАЁТИ ВА СОҒЛИҒИ ҲАР НАРСАДАН УСТУН

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар қўмитаси томонидан баъзи турдаги тамаки маҳсулотлари, тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламалари, жумладан, электрон сигареталарнинг муомаласини тақиқлашга қаратилган қонун лойиҳаси иккинчи ўқишга тайёрланмоқда.*

Мазкур қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишлаб ўтказилган ишчи гуруҳ йиғилишида депутатлар томонидан берилган таклифлар чуқур таҳлил қилиниб, лойиҳадаги айрим нормалар бўйича фикр-мулоҳазалар, муҳим таклифлар билдирилди.

Ушбу қонун лойиҳаси билан Ўзбекистон Республикасида никотинни истеъмол қилиш мосламалари, шу жумладан, электрон сигареталар ва улар учун суюқликларнинг муомаласи (ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сақлаш, ташиш ёки ўтказиш, Ўзбекистон ҳудудига олиб кириш, олиб чиқиш) тақиқланмоқда.

➡ 2

**Инсон қадри**

# ЭНДИ УЙИМИЗ ЎЗИМИЗНИКИ БЎЛАДИ

**Ҳужжатсиз ер участкалари ва уй-жойларга бўлган ҳуқуқлар эътироф этилаётгани фуқароларни қувонтирмоқда**

Рост, ота-бобонгдан қолган ерда иморат тиклаб, яшаб юрсанг-у, унинг ҳужжати бўлмаса, алам қилади-да. На уйни гаровга қўйиб бўлади, на уни ўзимнинг қонуний ҳовлим деб атай оласан. Ўғлинг, қизинг вояга етиб, уларга шу жойни мерос қилиб қолдириш учун бир парча қоғоз олишнинг имкони йўқ эди. Бу ҳам майли, уйни бошқа шахсга сотиш, оила аъзоларини доимий рўйхатга қўйиш ҳуқуқи йўқ. Уйни таъмирлаш ёки қўшимча қурилиш қилиш учун имтиёзли кредит олиш, уй-жой жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиладиган ҳолларда қонунга мувофиқ компенсация талаб қилиш имконияти ҳам мавжуд эмасди. Дардингни кимга айтишни билмасдинг.

Бугун мазкур муаммолар барҳам топа бошлади. Президентимиз томонидан 2024 йил 7 августда имзоланган "Ўзбошимчалик билан эгалланган ер участкалари ҳамда уларда қурилган бино ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш тўғрисида"ги Қонуннинг кучга кириши уйи бор-у, ҳужжати йўқ одамлар жонига оро кирди. Эътиборли жиҳати шундаки, мамлакатимизда 3,6 миллиондан ортиқ шундай участкалар мавжудлиги айтилмоқда. Агар 3 миллион 600 мингдан зиёд ер участкаларининг ҳар бири ўртача 3-4 нафардан фуқаро ва тадбиркорга дахлдор бўлса, бу қонун 10 миллиондан зиёд аҳоли муаммосини ҳал қилиб, келгуси ҳаётига қонуний замин яратишини ҳис этиш қийин эмас.

➡ 3

# ИШБИЛАРМОН ЁШЛАРГА ҚАНОТ БЎЛАЁТГАН МАСКАН




*Тошкент шаҳридаги "Янги авлод" махсус саноат зонасида озиқ-овқат, қурилиш материаллари, электротехника, машинасозлик ва кимё саноати каби йўналишларда 1 миллиард 375 миллион долларлик 47 та лойиҳа жойлаштирилади. Уларда 12 мингга яқин иш ўринлари очилади. Бу ерда ёшлар дастлаб касб-ҳунарга ўргатилиб, кейин ишга қабул қилинади.*

**Кўз ўнгимиздаги ўзгаришлар**

Бу улкан лойиҳани амалга ошириш учун пойтахтимиздаги Янгиҳаёт туманида 764 гектар ер ажратилган. Ҳудуд иқтисодиётида катта ўринга эга бўлиши кутилаётган мажмуада айни пайтда инфратузилма тармоқларини барпо қилиш қизғин давом этмоқда. Давлатимиз раҳбари қарори асосида ташкил қилинган саноат зонаси қатор корхоналар фаолиятини кенгайтириш, янгиларини очиш учун қулай имконият яратади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2024 йил 23 ноябрь куни мажмуа ташаббускорларининг ҳудудда амалга ошираётган ишлари билан танишиб, ўн иккита лойиҳа тақдимотида иштирок этди. Президентимиз мутасаддиларга ҳар бир сармоядор билан яқиндан ишлаш, уларга имкониятлар яратиб бориш, ер майдонларидан самарали фойдаланиш, лойиҳаларни тезлатиш, иш ўринлари яратиш бўйича алоҳида кўрсатмалар берди.

Кейинги йилларда пойтахтимизнинг ҳар бир туманида мана шундай иқтисодий мажмуаларни барпо этиш, бу ерга хориждан сармоядорлар жалб қилиш, саноатни марказдан четроқ ҳудудларга олиб чиқиш бўйича жадал ишлар олиб борилмоқда. Тошкент шаҳри атрофида импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш, маҳаллийлаштириш, миллий брендларни яратиш, экспорт имкониятларини ошириш, савдо нуқталари очиш, рақамли савдонинг қулайликларидан фойдаланиш борасидаги ишлар кўлами ҳам кун сайин кенгайиб бормоқда. Бу эса шаҳар ҳавоси мусаффолиги йўлида ташланаётган муҳим қадамлардан саналади.

### Халқаро брендлар билан ҳамкорлик

Мазкур саноат зонасида халқаро брендлар билан ҳамкорликда янги турдаги рақобатбардош юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Хусусан, "DP World", "JAC Motors", "Krantas", "Acec Japan", "East can solutions", "EAS" ва "Evyap" каби хорижий компаниялар томонидан товарлар яратиш ҳамда логистика хизматлари кўрсатиш ташкил этилади. Давлат раҳбари мутасаддиларга бу ерда саноат кооперацияси ва маҳаллийлаштириш лойиҳаларини янада кенгайтириш, хусусан, кластер тизимини жорий этишга алоҳида эътибор қаратиш кераклигини таъкидлади. Масъулларга лойиҳаларда маҳаллийлаштириш ва рақамлаштириш, энергия тежамкорлигига аҳамият қаратиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Бу каби оламшумул лойиҳаларнинг амалга оширилиши юртимизда ҳам хорижий инвесторлар, ҳам маҳаллий тадбиркорлар учун қулай ишбилармонлик муҳити яратилганидан далолат беради. Зеро, мамлакатимизда очиқ, рақобатбардош иқтисодиётни шакллантириш, инвестициялар ва саноатни ривожлантириш, ташқи савдо алоқаларини кенгайтириш, маҳаллий ва хорижий инвесторлар учун жозибадор ишбилармонлик муҳитини яратишга қаратилган изчил ташаббуслар амалга оширилмоқда.

➡ 3



# ИНВЕСТИЦИЯЛАР — МАКРОИҚТИСОДИЁТНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ КАФОЛАТИ

Мазкур қонун билан инвестициялар ва инвестиция фаолиятига оид асосий тушунчалар, принциплар ҳамда мақсадлар белгиланмоқда, инвестиция фаолиятининг кафолатлари ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимояси тартибга солинмоқда. Адолатли ва тенг ҳуқуқли муносабатда бўлиш, инвестиция фаолиятини асоссиз текширувлардан ҳимоя қилиш, очиқлик ва ошкораликни таъминлаш, бизнесни бошқариш ҳамда маблағларни эркин тасарруф этишга доир кафолатлар белгиланмоқда.

"Устувор инвестиция лойиҳаси" тушунчаси киритилиб кичик, ўрта, йирик, стратегик инвестиция лойиҳаларига қонунга мувофиқ имтиёзлар бериш кўзда тутилмоқда. Инвестицияларни рағбатлантириш чоралари ва доираси кенгайтирилмоқда. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхонада устав фондининг камида 15 фоизи чет эл инвестицияларини ташкил этиши лозимлиги тўғрисидаги амалдаги норма 10 фоизга туширилмоқда.

Шунингдек, қўмита мажлисида "Ўзбекистон Республикаси билан Тожикистон Республикаси ўртасида иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги Шартномани (Душанбе, 2024 йил 18 апрель) ратификация қилиш ҳақида"ги қонун ҳам муҳокама қилинди.

Икки давлат ўртасидаги дўстлик ва стратегик шериклик муносабатларини янги, иттифоқчилик даражасига олиб чиқишга қаратилган мазкур Шартнома Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2024 йил 18 апрелда Тожикистон Республикасига давлат ташрифи доирасида Душанбе шаҳрида имзоланган.

Ушбу ҳужжат халқаро ҳуқуқ нормаларига амал қилган ҳолда минтақавий можароларни тинч йўл билан ҳал этиш, давлат чегараларини демаркация қилиш бўйича ҳамкорликни давом эттириш, сув-энергетика соҳасида ўзаро манфаатли лойиҳаларни амалга ошириш, қонун чиқарувчи органлар ўртасида парламент дипломатиясини ривожлантириш ва ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш каби йўналишлардаги ҳамкорликни янада ривожлантиришни назарда тутади.

Иқтисодий, инвестициявий, фан-техника, маданият, таълим, спорт ва туризм соҳаларида ҳамкорликни чуқурлаштириш, терроризм, экстремизм ва трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бўйича биргаликдаги саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштириш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Мажлис якунида қўмитанинг тегишли қарорлари қабул қилинди.

**«Халқ сўзи».**

# МАМЛАКАТ ҚУДРАТИ, ШОН-ШАРАФ ВА САДОҚАТ ТИМСОЛИ



Аввалги йилларга хос равишда 2024 йили ҳам мудофаа тизимида кўплаб чора-тадбирлар амалга оширилди. Бу бўйича Сенатнинг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси мажлисида масъулларнинг ахборотлари эшитилди. Тизимда қонун ва қарорлар ижросини таъминлаш борасида бажарилиши зарур бўлган ишлар муҳокама қилинди.

Дарҳақиқат, қўшинларнинг доимий жанговар шайлигини таъминлаш мақсадида мунтазам равишда турли тадбирлар ташкил этиб келинмоқда. 2023 йилдагига нисбатан жанговар шайлик тадбирлари 1,5 маротаба кўпайган.

Халқаро майдонда юз бераётган тенденцияларга мос равишда замонавий жангларда янги фойдаланилаётган учувчисиз учиш аппаратларини қўллаш, уларга қарши курашиш, окоп жанги, радиониқобланиш каби янги тактик ҳаракатлар амалда ўзлаштирилди.

Тизимда кадрлар салоҳиятини ошириш борасидаги ишлар фаол давом эттирилиб, ўтган йили Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари радиолокация станцияси мутахассисларини ўқитиш ва қайта тайёрлаш маркази ташкил қилиниб, ўқув марказлар сони 20 тага етказилди. Жанговар мутахассислик бўйича жами 10 минг нафардан ортиқ ҳарбий хизматчилар марказларда ўқитилди.

Армиянинг жанговар салоҳиятини ошириш мақсадида замонавий ҳарбий транспорт ва жанговар самолётлар, артиллерия ҳамда зенит ракета мажмуалари, жанговар ва енгил зирҳли техникалар, қурол-аслаҳалар ва турли ҳарбий-техника воситалари билан таъминланди. Ҳарбий хизматчилар учун зирҳли шлем, зирҳли нимчалар ҳамда учувчисиз учиш аппаратлари ишлаб чиқиш йўлга қўйилди.

2024 йили Мудофаа вазирлиги жамоалари қатор халқаро мусобақаларда қатнашиб, фахрли ўринларни эгаллади. Жумладан, вакилларимиз Покистонда ўтказилган "Жамоа руҳи", Туркияда бўлиб ўтган "Энг илғор мерган жамоа" ҳамда Жанубий Кореяда ташкил этилган "1-халқаро мерганлар мусобақаси"да фахрли 1-ўринни эгаллади. Бундан ташқари, ҳарбий хизматчиларимиз Буюк Британияда уюштирилган "Кембрия патрули", Россияда ўтказилган "Саян юриши" мусобақаларида ҳам юқори натижаларни қайд этди.

Ватанпарварлик — бу миллий ва умуминсоний қадриятлар тарбиясининг маҳсули. Зеро, давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ҳам "Бугунги кунда ҳар биримиз амалда Ватан ҳимоячиси бўлишимиз, ёшларимизни ҳам шу руҳда камол топтиришимиз зарур" экани ҳақида таъкидлаган.

Республикамиз аҳолисининг қарийб 60 фоизини ёшлар ташкил этади. Айнан улар мамлакатимиз эртаси, умиди ва ишончи ҳисобланади. Айни шу омиллар инобатга олинган ҳолда ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони раислигида ўтган Хавфсизлик кенгашидаги топшириққа асосан Мудофаа вазирлигига Президент, ихтисослаштирилган ва ижод мактаблари (103 та) бириктирилди.

Олий таълим муассасаларидаги ҳарбий таълим факультетларида чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фани ўқитувчилари малакасини ошириш курслари фаолияти йўлга қўйилди. Мудофаа вазирлигига бириктирилган 1 млн. нафар ёш билан ишлаш бўйича 2 547 та маҳаллада тадбирлар амалга оширилди.

Ёшлар билан ўтказилган юзма-юз суҳбатлар натижасида 14 711 нафардан ортиқ ёшларнинг бандлиги таъминланди. 3 252 нафар ёш касб-ҳунарга ўқитилди ва 104 нафарига кредитлар ажратиб берилди. 1 833 нафарига моддий ёрдам, 1 114 мингдан ортиғига субсидия берилишига кўмаклашилди ҳамда 10 мингдан зиёд ёшларнинг бошқа йўналишлардаги муаммолари ҳал этилди.

Қуролли Кучлар Академиясига ва Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртига бириктирилган оғир тоифадаги ёшлар билан 150 маротаба "Ватанга содиқ ёшлар" ҳарбий-ватанпарварлик ўқув йиғини ўтказилиб, профилактик ҳисобда турган 22 мингдан зиёд ёшлар турли касбларга ўқитилди.

"Жасорат мактаби" ҳарбий-ватанпарварлик ўқув йиғинлари ўтказилиб, уюшмаган ва профилактик ҳисобда турган 4 минг нафарга яқин ёшлар 10 та йўналишдаги мутахассислик бўйича ўқитилди. "Ватан таянчи" ҳарбий-ватанпарварлик ҳаракати 10 мингдан ошиқ мактабларда 300 мингдан зиёд ўқувчи ёшларни ўз сафига бирлаштирди.

Ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзолари ва фахрийларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича ҳам комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ипотека кредитлари асосида хонадонлар тақдим этилмоқда, ҳарбий хизматчилар фарзандларига олий таълим муассасасига кириши учун тавсиянома берилмоқда. 2024 йилнинг ўзида ана шундай тавсияномалар 1 210 нафар ҳарбий хизматчининг фарзандларига топширилди. Бундан ташқари, 2 574 нафар ҳарбий оиласи турли тўгаракларга жалб этилди, Нафақадаги 195 нафар ҳарбий хизматчи ишга жойлаштирилди. Ҳарбий хизматчилар рафиқаларининг 247 нафари касб-ҳунарга ўқитиш марказларида касбга йўналтирилди.

Қўмитамиз томонидан олиб борилган ўрганишлар жараёнида маълум бўлдики, мудофаа тизимида жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳар бир мурожаати қонунда белгиланган нормаларга мувофиқ ўз вақтида кўриб чиқилмоқда. 2024 йили Мудофаа вазирлигига келиб тушган 3 200 дан зиёд мурожаатларда аниқланган 1 400 дан ортиқ муаммоли масалалар бартараф этилган. Бундан ташқари, тиббий ёрдамга муҳтож 3 441 нафар фуқаро тиббий кўрикдан ўтказилиб, беғараз дори воситалари билан таъминланди.

Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси Қуролли Кучлар ҳарбий хизматчилари фаолиятини қонунлар билан тартибга солинишини таъминлаш, бугунги кун талабига жавоб бермайдиган, маънан эскирган қонунларни қайта кўриб чиқиш, тизимда мавжуд камчиликларни биргаликда ҳал қилиш борасида ишларни бундан буён ҳам изчил давом эттиради.

**Қутбиддин БУРҲОНОВ,**
**Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси.**



# ИНСОН ҲАЁТИ ВА СОҒЛИҒИ ҲАР НАРСАДАН УСТУН

Шунингдек, айланмаси тақиқланган чекилмайдиган тамаки маҳсулотлари, никотинни истеъмол қилиш мосламалари, жумладан, электрон сигареталарни қонунга хилоф равишда муомалага киритиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик белгиланяпти.

Йиғилишда депутатлар ушбу маҳсулотларнинг аҳоли, айниқса, ёшлар орасида истеъмол қилиш ҳолатлари кўпайганига алоҳида эътибор қаратиб, бугунги кунда одамларнинг ҳаёти ва соғлиғини, она табиатимизни "замонавий" никотин ва тамаки маҳсулотларидан ҳимоя қилиш долзарб вазифалардан бири эканини қайд этди.

Мазкур қонун лойиҳасининг ғоят муҳимлигига урғу бериб, уни янада такомиллаштириш, пишиқ-пухта ҳолатга келтириш бўйича қатор таклифлар беришди. Уларнинг асосли деб топилганлари эътиборга олинди ва лойиҳа матнида акс этадиган бўлди.

# БАНКЛАРНИ САНАЦИЯ ҚИЛИШ ВА ТУГАТИШ МЕХАНИЗМЛАРИ БЕЛГИЛАНМОҚДА

*Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси томонидан "Банкларни санация қилиш ва тугатиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси палата ялпи мажлисига иккинчи ўқишга киритиш учун тайёрланмоқда.*

Ушбу қонун лойиҳаси палатанинг 2024 йил 15 октябрь куни бўлиб ўтган ялпи мажлисида биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан қабул қилинган эди. Ўтган даврда масъул қўмита томонидан лойиҳани такомилига етказиш бўйича бир неча маротаба ишчи гуруҳ йиғилишлари, семинарлар ўтказилди.

Уларда депутатлар томонидан берилган таклифлар ишчи гуруҳ аъзолари иштирокида таҳлил қилиниб, энг долзарб ва муҳим деб топилганлари лойиҳа матнида акс эттирилган ҳолда ҳужжат ҳар томонлама пишиқ-пухта ҳолатга келтирилди.

Қонун лойиҳасида Марказий банкнинг банкларни санация қилишга доир ҳуқуқий асослари назарда тутилмоқда. Шунингдек, унинг банкни ихтиёрий тугатишни амалга оширишга доир рухсатномасини бериш шартлари, ихтиёрий тугатиш жараёнида тугатувчи томонидан амалга ошириладиган ҳаракатлар, Марказий банкка тақдим этиб бориладиган ҳисоботлар ҳамда тугатиш жараёни устидан у томонидан амалга ошириладиган назорат қоидалари белгиланяпти.

Шу билан бирга, банкларни санация қилиш мақсадлари ва принциплари, санацияни молиялаштириш механизмлари кўзда тутилмоқда.

Масъул қўмитада қонун лойиҳасини такомиллаштириш ишлари давом этмоқда.

# ТАДБИРКОР БИР ҲУҚУҚБУЗАРЛИК УЧУН БИР НЕЧА МАРОТАБА ЖАВОБГАРЛИККА ТОРТИЛМАСЛИГИ КЕРАК

*Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси томонидан тадбиркорлик субъектлари айнан бир ҳуқуқбузарлик учун бир неча маротаба жавобгарликка тортилишининг олдини олишга қаратилган қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланган ишчи гуруҳ йиғилиши ўтказилди.*

Унда қонун лойиҳаси атрофлича кўриб чиқилиб, сиёсий партиялар фракциялари томонидан берилган қатор таклифлар чуқур таҳлил қилинди. Улар асосида эса лойиҳадаги айрим нормалар маромига етказилиб, ҳужжат матни ҳар томонлама пишиқ-пухта ҳолатга келтирилди.

Қонун лойиҳасида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ва Солиқ кодексларига шахснинг содир этган айнан бир ҳуқуқбузарлиги учун бир маротаба жавобгарликка тортилишини таъминлаш ва солиқ маъмуриятчилигининг янада такомиллаштирилишига қаратилган тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Депутат Руслан Жумамуратов тадбиркор бир ҳуқуқбузарлик учун бир неча марта жавобгарликка тортилмаслиги кераклигини қайд этиб, солиқ қонунчилигига киритилаётган бу каби ўзгартиришлар тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг самарали ҳимоясини таъминлаш, мамлакатимизда тадбиркорлик муҳитини янада яхшилашга хизмат қилишини таъкидлади.

Қўмита аъзоси Фирдавс Қурбонов эса солиққа оид ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни либераллаштириш, ортиқча оворагарчиликларнинг олдини олиш, умуман, тадбиркорлик субъектлари учун қулай шароит ва муҳит яратиш долзарб масала эканига урғу бериб, лойиҳани такомилига етказиш бўйича ўз таклифларини берди.

Қўмитада қонун лойиҳасини такомиллаштириш ишлари давом этмоқда.

**«Халқ сўзи».**

## Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси:

# ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИ ВА ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИ КУЧАЙТИРИЛАДИ

Шу билан бирга, солиқ тўловчилар учун ташқи шоклар сабабли юзага келадиган вақтинчалик хатарларни талафотсиз бошқаришга қаратилган мослашувчан, юзага келиши мумкин бўлган ҳолатларни ҳисобга олиш имконини таъминлайдиган ҳуқуқий нормалар ва фискал қоидалар ишлаб чиқилди.

### Назорат-таҳлил фаолиятида муҳим ёндашув

Янги таҳрирдаги Конституцияга мувофиқ, парламент қуйи палатаси депутатларининг бюджет маблағлари натижадорлиги устидан назорат вазифаси уларнинг мутлақ ваколатларидан бири сифатида белгиланган. Ўтган йил давомида қўмита томонидан қонунлар ва қонуности ҳужжатлари ижросини таъминлаш ҳамда парламент назоратини амалга ошириш доирасида қатор тадбирлар ташкил этилди. Бу борада умумий 16 та тадбир ўтказилган бўлиб, улардан биттаси қонун ҳужжатларининг ижросини таҳлил қилишга, 15 таси эса давлат ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг ахборотини эшитишга қаратилди.

Қўмита эшитувлари давомида Иқтисодиёт ва молия, Инвестициялар, саноат ва савдо ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирликлари, Давлат активларини бошқариш агентлиги, Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси каби муҳим ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилди.

Шунингдек, Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармаларининг ижроси устидан парламент назоратини тизимли амалга ошириш, бюджет маблағлари самарадорлигини ва ушбу жараённинг шаффофлигини таъминлаш борасида тизимли ишлар йўлга қўйилмоқда. Ушбу мақсадда 2021 йил 30 декабрда Президентимизнинг тегишли қарори билан муҳим парламент назорати механизми жорий этилган эди. Бу механизм амалиётда Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағларнинг самарадорлигини парламент томонидан мониторинг қилишнинг янги босқичини бошлаб берди.

Мазкур қарорга мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси томонидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи вазирлик ва идораларнинг ривожлантириш дастурларида белгиланган мақсад индикаторларининг бажарилиши бўйича чораклик ахборотлар Қонунчилик палатасига тақдим қилиб борилмоқда. Ушбу ахборотларда ажратилган бюджет маблағларининг мақсадли ва самарали сарфланиши тўғрисидаги маълумотлар ўрта муддатли прогноз кўрсаткичлари билан биргаликда тақдим этилади.

Бу жараёнда қўмитамиз депутатларга сарфланган маблағлар самарадорлигини таҳлил қилиш, тегишли вазирлик ва идораларга асосли фикр ҳамда таклифлар тайёрлашда услубий ва амалий ёрдам кўрсатмоқда.

Ушбу механизмнинг жорий қилиниши парламент назорати таъсирчанлигини янги босқичга олиб чиқиб, давлат маблағларидан самарали фойдаланишга ва ривожланиш дастурларининг мақсадли индикаторларига эришишни таъминлашга хизмат қилади.

Қўмита томонидан "Натижага йўналтирилган бюджет" тизимининг самарадорлиги ва давлат харажатларининг шаффофлиги ҳамда натижадорлиги бўйича бир қанча эшитувлар ташкил қилинди. Ушбу назорат тадбирларида Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда бошқа тегишли вазирлик, идоралар томонидан амалга оширилаётган ишлар самарадорлиги экспертлар иштирокида муҳокамалардан ўтказилди.

Назорат-таҳлил тадбирларида, шунингдек, Ҳукумат томонидан қабул қилинган ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларининг ижроси ҳам қамраб олинмоқда. Бу парламент назоратининг таъсирчанлигини сезиларли даражада оширишга хизмат қиляпти. Чунки ушбу тадбирларда дастурлар ижросига таъсир этувчи омиллар чуқур таҳлил қилинади, аниқланган камчиликлар ва муаммолар юзасидан тегишли таклифлар ишлаб чиқилади.

### Жамоатчилик билан мулоқот

Қўмита аъзолари 2024 йилда иқтисодиётни ислоҳ қилиш ҳамда аҳоли фаровонлигини таъминлаш борасида сайловчилар кўтарган муаммоларни ўрганиш ва уларнинг ечимини топишга жиддий ёндашди. Ўрганиш жараёнида аниқланган камчиликларга мутасаддиларнинг эътиборини қаратган ҳолда уларни ҳал этишга устувор аҳамият берилди. Қўмита ташаббуси билан мансабдор шахсларга сайловчиларнинг қонуний ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича бир нечта парламент ва депутат сўровлари юборилди.

Қўмита номига 2024 йилда жами 256 та мурожаат келиб тушган бўлиб, уларнинг 80 таси ижобий ҳал этилди. Мурожаатларда қонунларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича 12 та таклиф билдирилди.

Фаолиятимиз шаффофлигини таъминлаш ва аҳолининг бу борадаги хабардорлигини ошириш мақсадида қўмита ишига оид маълумот ва ахборотлар ОАВда 617 маротаба ёритилди.

### Истиқболдаги режалар ва долзарб вазифалар

Президентимизнинг Олий Мажлис палаталарининг 2024 йил 18 — 20 ноябрда бўлиб ўтган мажлисларидаги нутқларида иқтисодий ислоҳотларга оид бир қатор муҳим йўналиш ва вазифалар белгилаб берилди. Шулардан келиб чиқиб 2025 йилда Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси қонун ижодкорлиги ҳамда назорат-таҳлил фаолиятида бир қанча масалаларга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Энг аввало, қонун лойиҳалари сифатини ошириш бўйича аниқ чоралар кўзда тутилган. Яъни тўғридан-тўғри ишлайдиган ва аниқ ижро механизмларига эга бўлган қонун лойиҳаларини тайёрлашда ташаббускорлар билан ҳамкорликда иш олиб бориш лозим бўлади. Бундан ташқари, парламент назорати фақат ижтимоий соҳа билан чекланиб қолмаслиги учун вазирлик, идораларнинг ривожлантириш дастурлари ижроси муҳокамаларида иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотлар натижадорлиги масалаларига алоҳида эътибор қаратилади.

Қўмитанинг қонун ижодкорлиги ва назорат-таҳлил фаолиятини янги босқичга олиб чиқишда мамлакатдаги салоҳиятли таҳлил марказлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, шунингдек, фуқаролик жамияти институтлари билан мулоқотни кучайтириш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Давлатимиз раҳбари парламентдаги нутқларида қонунлар, аввало, халқимизнинг оғирини енгиллаштиришга қаратилиши кераклигини таъкидлаган эди. Шундан келиб чиқиб бир қатор ташаббусли қонун лойиҳалари устида иш олиб бориш вазифа қилиб олинган. Хусусан, фуқароларнинг уй-жой қурилишига жалб этилган маблағларини кафолатли ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий механизмларини жорий этиш, гаров муносабатларида кредиторларнинг талабларини қондириш тартибини ҳуқуқий жиҳатдан такомиллаштириш каби лойиҳалар устида иш олиб борилади.

Айни чоғда молиявий хизмат соҳаси ҳалигача эскича қоидалар билан тартибга солинаётгани Президентимиз томонидан ўринли танқид қилинган эди. Шундан келиб чиқиб молия хизматларидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш механизмларини такомиллаштиришга қаратилган лойиҳалар устида иш олиб борилади. Хусусан, франчайзинг, факторинг хизматлари ва капитал бозорини ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқилиши кўзда тутилган.

Халқаро амалиётдан келиб чиқиб илғор банк тизимини жорий этиш ва соҳада рақобат муҳитини мустаҳкамлаш, истиқболли инвестиция лойиҳаларида тижорат банклари иштирокини кенгайтириш, исломий банк хизматларини жорий қилишга қаратилган таклифлар ишлаб чиқилади. Ушбу жараёнда банкларнинг капиталлашув даражаси ва депозит базасини ошириш, банклар фаолиятида тўловга қобилиятсизликнинг олдини олиш мақсадида санация қилиш механизмларини жорий этишга алоҳида эътибор қаратилади.

Парламент қуйи палатаси олдига "ғоялар генератори"га айланиш вазифаси қўйилганини ҳисобга олиб қўмита иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришда иқтисодий барқарорликни таъминлаш, иқтисодиётда эркин бозор механизмларини жорий қилиш ва соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, Давлат бюджети тизимини ислоҳ этиш, банк-молия соҳасини либераллаштиришнинг ҳуқуқий пойдеворини мустаҳкамлашга устувор аҳамият қаратади.

Қўмита ўз фаолиятида иқтисодий ислоҳотларни қўллаб-қувватлаш, аҳоли манфаатларини ҳимоялаш, қонунчиликни такомиллаштириш ҳамда жамоатчилик билан мулоқотни янада кучайтириш йўналишларида фаол қадамлар ташлашни ўз олдига режа қилган. Уларнинг амалга оширилиши мамлакат тараққиёти ва аҳоли фаровонлигига хизмат қилади.

**Шарофиддин НАЗАРОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси раиси.**




**Регистоннинг муздан ишланган макети Хитойдаги машҳур фестивалда намойиш этилмоқда.**

«Eurasia Magazine» журнали:

# ВЕНГРИЯ ВА ЎЗБЕКИСТОН ЎРТАСИДАГИ АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИК — КЎҲНА ҚИТЪА БИЛАН БОҒЛОВЧИ БЎҒИН

*Венгриянинг «Eurasia Magazine» журналининг Ўзбекистонга бағишланган инглиз ва венгер тилларидаги махсус сони чиқди.*

*Мазкур нашрда Венгрия — Ўзбекистон муносабатларининг серқирралиги ва мамлакатимизнинг халқаро майдондаги аҳамиятини очиб берувчи мақолалар ўрин олди. Жумладан, Ўзбекистон элчиси Ойбек Шахавдиновнинг «Динамик ҳамкорлик ва стратегик шериклик» ҳамда журнал бош муҳаррири ва Евроосиё маркази директори Левенте Хорватнинг «Европани Ипак йўлида бирлаштириб» сарлавҳали мақолалари жой олган.*

## Биз ва жаҳон




«Динамик ҳамкорлик ва стратегик шериклик» мақоласида муаллиф икки мамлакатнинг тарихий алоқаларини эътироф этиб, таниқли венгер шарқшунослари Армин Вамбери ва Аурель Стейнни тилга олади ҳамда уларнинг тадқиқотлари маданий алоқаларни мустаҳкамлашга ёрдам бергани ҳақида сўз юритади. Мақолада, шунингдек, мамлакатлар ўртасида олий даражадаги ташрифларнинг фаол алмашинуви, савдо ҳажми ва қўшма инвестиция лойиҳалари, жумладан, Венгриянинг «OTP Bank» компаниясининг Ўзбекистон молия секторидаги иштирокига эътибор қаратилади.

«Европани Ипак йўлида бирлаштириб» мақоласида Ўзбекистоннинг Шарқ ва Ғарб чорраҳасида стратегик жойлашуви, Буюк Ипак йўли йўналишларини тиклашдаги аҳамияти ҳамда демократик ислоҳотлар борасидаги салмоқли ютуқлари қайд этилади. Энергетика соҳасидаги янги ташаббуслар ва «Яшил энергетика йўлаги» лойиҳасига алоҳида эътибор қаратилади.

Журналда, шунингдек, мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги соҳасига замонавий технологияларни жорий этиш, тупроқ унумдорлигини ошириш, бошқарув тизимини ислоҳ қилиш натижасида эришилаётган муваффақиятлар баён этилади.

Бундан ташқари, иқтисодий ўсишни жадаллаштириш ва тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар учун қулай ҳуқуқий муҳит яратишга қаратилган кенг кўламли иқтисодий ҳамда ижтимоий ислоҳотлар ҳақида сўз юритилади.

Журналда Ўзбекистоннинг Марказий Осиёдаги асосий ҳамкор сифатидаги аҳамияти, унинг Европа ва Осиё ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашдаги муҳим ўрни урғуланган.

Тақдим этилган материаллар ўқувчиларни бой маданий мерос, замонавий ислоҳотлар ва мамлакатни ривожлантириш истиқболлари билан таништиради. Ўз навбатида, бу Ўзбекистоннинг Европа ва Осиё ўртасидаги боғловчи бўғин сифатидаги ўзига хос мавқеини намойиш этади, шунингдек, мамлакатнинг иқтисодиётни модернизация қилиш, халқаро ҳамкорлик ва маданий алмашинувни кенгайтириш борасидаги ютуқларидан далолатдир. Ушбу нашрнинг махсус сони Венгрияда Ўзбекистонга бўлган қизиқишнинг юқорилигини ва мамлакатнинг халқаро майдондаги ютуқларини эътироф этади.

Журналда икки мамлакат ўртасидаги тарихий ва маданий алоқалар, стратегик шерикликни мустаҳкамлаш, иқтисодий ҳамкорлик, инвестиция лойиҳалари ва маданий алмашинувларга алоҳида эътибор қаратилган. Унда демократик ислоҳотлар, экологик барқарорлик ва Ўзбекистоннинг муҳим соҳаларда эришган ютуқларининг асосий жиҳатлари ёритилган.

**«Дунё» АА.**
Будапешт

# ЭНДИ УЙИМИЗ ЎЗИМИЗНИКИ БЎЛАДИ



Қонун 2024 йилнинг 8 ноябридан кучга кирди ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг таклифига кўра, 2024-2025 йилларга мўлжалланган режа-жадвал тасдиқланди. Унга мувофиқ 2024-2025 йилларда 3 878 та маҳаллладаги 2 250 мингдан зиёд объектларда хатлов ўтказилади. Қонуннинг моҳияти ижрочиларга етказилишини таъминлаш мақсадида ўқув-семинарлар ташкил этилди ҳамда ҳужжатнинг аҳамиятини аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилди.

Хатлов жараёнини рақамлаштириш мақсадида Кадастр агентлиги томонидан "Эътироф" ахборот тизими ишлаб чиқилди. Ўз навбатида, "Эътироф" ахборот тизими "UZKAD" тизимига интеграция қилиниб, хатлов жараёнида шакллантирилган маълумотлар алмашинуви йўлга қўйилди. Давлат органлари масъуллари учун ахборот тизимидан фойдаланиш бўйича ўқув-машғулотлар ўтказилди. Хатловга кадастр идораларининг 4,5 мингдан ортиқ мутахассислари жалб қилинди ва режа-жадвалга мувофиқ хатлов ишлари фаол олиб борилмоқда.

— Вилоятимизда Кадастр агентлиги томонидан тасдиқланган режа-жадвалга асосан хатлов ишлари бошлаб юборилди, — дейди Давлат кадастрлари палатаси Фарғона вилояти бошқармаси бўлим бошлиғи Фарҳод Мадаминов. — Ҳудудимизда жами 1 062 та маҳалла фуқаролар йиғинидан 2024 йил якунига қадар 68 тасида хатлов ишлари олиб борилиши белгиланган. 2025 йилда эса 306 маҳаллада хатлов ўтказилиши кўзда тутилган. Хатлов жараёнларида Кадастр агентлиги ҳамда Давлат кадастрлари палатаси Фарғона вилояти бошқармаларида вилоят штаби тузилиб, жойларда олиб борилаётган ишлар кунлик таҳлил қилиб бориляпти. Соҳанинг 500 дан зиёд малакали мутахассислари хатлов жараёнларида фаол иш олиб бормоқда. Аҳолининг ўз маҳаллаларида қачон хатлов ишлари бошланишини билиши учун "KADASTR.UZ" сайти орқали маълумотлар бериб борилмоқда.

Қонунда ҳуқуқларни эътироф этишнинг асосий шартлари аниқ белгиланганини бугун соҳа ходимлари учун қўл келмоқда. Масалан, хатлов жараёнида ер бошқа шахсга ажратилмаган ёки аукционга чиқарилмаган бўлиши, ер бўйича низо бўлмаслиги, бош режа талабларига зид эмаслиги ва бошқа омиллар ҳисобга олинмоқда.

Ҳуқуқларни эътироф этиш ҳудудлар бўйича босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкаларига ҳамда уларда қурилган бинолар ва иншоотларга тааллуқли маълумотларни ва ҳужжатларни келишиш Кадастр агентлигининг автоматлаштирилган ахборот тизими орқали уддаланяпти. Бу тизимга 15 та ваколатли ташкилотнинг ҳам тегишли маълумотлари киритилаётир.

Тўпланган ҳужжатларнинг тўлиқлиги ва қонунийлиги вилоят адлия бошқармаси томонидан текшириб чиқилмоқда. Уларнинг натижалари маҳалла бурчаклари, Кадастр агентлигининг сайти орқали жамоатчилик эътиборига ҳавола этиляпти. Ижобий хулоса қабул қилинган фуқароларга SMS-хабарнома юборилади. У асосида бир марталик тўловни амалга оширганларга ҳар чоракда халқ депутатлари вилоят Кенгаши қарори билан ҳуқуқлар эътироф этилади.

Бугунги кунга қадар мамлакатимизда 575 та маҳаллада жами 116 198 та объектда хатлов ишлари якунланди. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, 2025 йил якунига қадар 700 мингдан зиёд фуқароларнинг уй-жойларига бўлган ҳуқуқлари эътироф этилиши масаласи кўриб чиқилади. Зеро, фуқароларга қонуний уй-жойларда эмин-эркин яшаш ҳуқуқи берилаётгани янги Ўзбекистонни барпо қилиш йўлидаги изчил ислоҳотларнинг ижобий самарасидир.

**Фахриддин БОЗОРОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

## ЯНГИЛИКЛАР хабарлар ТАФСИЛОТЛАР

### Аскар ота-оналарига эҳтиром

*Тошкент ҳарбий округи ҳарбий хизматчилари ва Тошкент гарнизони ҳарбий қисм аскарлари иштирокида "Аскар ота-оналарини шарафлаймиз!" номли видеоучрашув бўлиб ўтди.*



Тошкент ҳарбий округи матбуот хизмати хабарига кўра, "Янги Ўзбекистон армияси — мамлакат таянчи, халқимиз фахри!" шиори остида ўтказилган ушбу тадбирга Жамоатчилик кенгаши аъзолари, Қуролли Кучлар фахрийлари таклиф этилди.

Тадбир давомида ота-оналар фарзандлари билан телекўприк орқали дийдорлашиш билан бир қаторда, ўз дилбандига эзгу ниятлар тилаш имконига эга бўлди.

Видеомулоқотнинг маданий-маърифий қисмида оналарни улуғловчи шеър, миллий армиямиз мадҳ этилган таъриф барчага кўтаринки кайфият бағишлади.

Якунда билими, намунали хулқи ва ҳарбий қисмдаги фаоллиги билан ажралиб турган аскарларнинг ота-оналари округ қўмондонлигининг ташаккурномалари билан тақдирланди.

### Очиқ кутубхоналар хизматингизда

*"Ўзбекнефтгаз" АЖ марказий аппарати биноси олдида ихчам "очиқ кутубхона"лар фаолияти йўлга қўйилган эди. Улар пиёдалар йўлаклари четида жойлашган бўлиб, йўловчилар барча китоб, газета ва журналлардан эркин тарзда фойдаланиши мумкин. Мутолаа қилиб бўлинган адабиётлар эса жавонга қайтиб қўйилади.*



Китоб жавонларидан дастлаб юздан ортиқ бадиий, тарихий, ҳуқуқий мавзудаги адабиётлар, болалар китоблари ҳамда маҳаллий газеталар ўрин олган бўлса, бугунги кунга келиб у 11 мингдан ортиқ китоблар билан бойитилди.

Мазкур лойиҳа аҳоли ўртасида китоблар алмашинувини кенгайтириш ва китобхонликни янада кенгроқ тарғиб қилиш имконини бермоқда.

### «Долзарб 10 кунлик»: ҳудуд 135 минг тонна чиқиндидан тозаланди



*Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ташаббуси билан 2024 йилнинг 25 декабридан 2025 йилнинг 5 январига қадар мамлакатимизнинг барча ҳудудида "Долзарб 10 кунлик" тозалик тадбирлари ўтказилди.*

Маълумотларга кўра, тадбир давомида 800 минг 263 та жамоат жойи, маҳаллалар ва марказий кўчалар обод қилинди. Ҳудудлар жами 135 минг 200 тонна чиқиндидан тозаланди.

Атроф-муҳит озодалиги, экологик масъулият ҳамда юртдошларимизда табиатга дахлдорлик ҳисси ортишига қаратилган ушбу лойиҳа доирасида барча ҳудудда Бутунжаҳон тозалик куни муносабати билан "Ҳаёт учун жой ажратинг" шиори остида оммавий экоакция ҳам ташкил этилди.

**«Халқ сўзи».**

# ИШБИЛАРМОН ЁШЛАРГА ҚАНОТ БЎЛАЁТГАН МАСКАН



Хитойнинг "CAMC Engineering" компанияси ҳамкорлигида "Янги авлод" махсус саноат зонасини бошқариш, инвесторларни жалб қилиш ва инфратузилма объектларини барпо этиш кўзда тутилган. "JAC Motors" компанияси тижорат автотранспорт воситаларини ишлаб чиқаришни йўлга қўяди. 135 миллион долларлик бу лойиҳа натижасида 2 мингта янги иш ўрни яратилади. Япониянинг "Acec Japan" компанияси билан ҳамкорликда офис учун ўриндиқ ва мебеллар ишлаб чиқариш йўлга қўйилиб, яна 100 кишининг бандлиги таъминланади.

Бирлашган Араб Амирликларининг "DP World" компанияси билан эса транспорт-логистика марказини ташкил этиш бўйича ишлар бошланган. Бу ерда яратиладиган маҳсулотларнинг қўшимча қиймат занжири анча юқори бўлади. Транспорт-логистика маркази оғирни енгил, узоқни яқин қилади.

Хусусан, "CAMC Engineering" компанияси қурилаётган саноат мажмуасида ишлаб чиқарувчи сифатида эмас, балки махсус зона қурувчиси ва шу майдоннинг асосий инвесторларидан ҳамда бунинг эксплуатация жараёнларини амалга оширадиган корхоналардан бири саналади.

— Инжиниринг лойиҳалаштириш бўйича энг илғор компаниялардан биримиз, — дейди "CAMC Engineering" компаниясининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Го Цзицзе. — Саноат паркининг умумий лойиҳасини амалга оширяпмиз. Яъни унинг инфратузилмаси, йўналишларни лотларга жойлаштириш ва умумий кўринишни ишлаб чиқяпмиз. Хитойдан, асосан, Ўзбекистондаги энг тез ривожланаётган 4 та катта йўналишдаги тадбиркорларни саноат паркига жалб қилмоқчимиз. Булар — озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш, автомобилсозлик, текстиль тармоғи, электротехника маҳсулотларини ишлаб чиқариш. 40 дан ортиқ корхоналар махсус саноат зонасидан жой олиш фикрини билдирган. Ҳозир "Янги авлод" махсус саноат зонасини бошқариш маъмурияти билан бирга "Камс канстракшин" қўшма корхонасини тузиш бўйича ишлар жадал кетмоқда.

## Истиқболли лойиҳалар танлаб олинади

Аҳамиятлиси, саноат зонаси давлат томонидан шакллантирилмоқда, бошқарув ташқи ҳамкорга берилган. Энг истиқболли лойиҳалар танлаб олиняпти, лойиҳаларнинг экологияга таъсири ҳам назардан четда қолмаяпти. Махсус иқтисодий зоналар иштирокчилари учун алоҳида солиқ, божхона имтиёзлари ва бошқа преференциялар татбиқ этилади.

Бу ердаги шароитлар билан танишар эканмиз, бизни кузатиб турган инвесторлар ўз лойиҳалари билан таништира кетди.

— "JAC Motors" автомобилларимиз ҳақида кўпчилик тасаввурга эга бўлса керак, — дейди "JAC Motors" компаниясининг Марказий Осиё минтақаси бўйича директори Ю Ан. — Енгил автоуловлардан тортиб, оғир техникаларгача ишлаб чиқарамиз. Корхонамиз ўтган асрнинг 60-йилларида очилган. Ҳозир дунёнинг жуда кўплаб давлатларида ўз заводларимизни очганмиз. Ушбу саноат зонасида 30 гектар майдонда заводимизни қурмоқчимиз. Кичик микроавтобуслар ишлаб чиқарилади. Кўрсаткичимиз йилига тахминан 50 мингта автоуловни ташкил қилади. Бунинг учун 35 миллион доллар миқдорида сармоя киритяпмиз.



— Ўзбекистонда геология ва қазиш соҳасида керак бўладиган қувурлар ишлаб чиқаришни режалаштирганмиз, — дейди "Standart drilling" компанияси раҳбари Алишер Ризаев. — Бунинг учун 5 миллион долларлик инвестиция киритиш мўлжалланган. Агар ушбу бизнес-режамиз амалга ошса, 50 нафардан ортиқ йигит-қизлар иш билан таъминланади.

## Назария ва амалиёт уйғунлиги — муваффақият гарови

Дарвоқе, ҳар қандай соҳа ва лойиҳанинг истиқболини юқори билим ҳамда малакага эга бўлган мутахассислар таъминлайди. Шуни ҳисобга олган ҳолда, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги томонидан "Янги авлод" махсус саноат зонаси ва "Янгиҳаёт индустриал технопарки" ҳудудида дуал таълимга асосланган ўқув марказини ташкил этиш режалаштирилган. Ушбу марказда талабгорлар биринчи босқичда қурилиш соҳасидаги зарур касбларга ўқитилади. Улар ўқиш билан бирга саноат зонасида олиб борилаётган қурилиш жараёнларида ҳам иштирок этади. Иккинчи босқичда саноат зонасидаги лойиҳалар ишга тушгач, иш берувчиларнинг буюртмаси асосида зарур мутахассислар тайёрлаш учун талабгорлар жалб қилинади.

Хусусан, авточилангар, оператор, мебелчи, юк машиналари ҳайдовчиси, логистика оператори, токарь-фрезерчи, қадоқловчи ва қандолатчи касбларига ўқув курслари дуал таълим шаклида амалга оширилади. Курслар иш берувчилар буюртмаси асосида ташкил этилади. Эгалланган назарий билимлар иш жараёнида, амалиётда мустаҳкамланади, уларга тажрибали мураббийлар масъул қилинади.

Ягона миллий меҳнат тизими дастурий аппарат комплексида ҳар бир иш берувчи ва лойиҳа ташаббускори учун ўрта бўғин малакали кадрларга электрон буюртмалар бериш имконияти яратилади. Мазкур платформага хорижий иш берувчилар буюртмалари ҳам интеграция қилинади ҳамда касбий кўникмалар марказлари учун ягона буюртмалар портфели шакллантириб борилади. Битирувчиларга халқаро сертификат ҳам берилади. Натижада саноат корхоналари учун шу ернинг ўзида малакали мутахассислар тайёрлаш йўлга қўйилади.

...Пойтахт иқтисодиётида ўзига хос ўринга эга бўладиган мазкур саноат зонасида қизғин иш жараёни давом этмоқда. Қувонарли жиҳати шундаки, бу лойиҳага ёш бизнесменларнинг ва ишлаш истагидаги ўғил-қизларнинг қизиқиши жуда юқори. Бу қизиқиш алалоқибат мақсадга, мақсад эса эзгу амалларга бошлайди. Зеро, юрт тараққиёти йўлида бошланган улкан лойиҳаларда ёшларнинг фаол иштирок этиши биз барпо қилаётган янги Ўзбекистоннинг бугуни фаровон, эртаси янада нурафшон бўлишига ишончимизни мустаҳкамлайди.

**Азиз НОРҚУЛОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги жамоаси агентликнинг Медиа маркази бошлиғи Жамолиддин Бобожоновга отаси
**Абийир БОБОЖОНОВнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

**Ўтган йили 7255 та концерт-томоша тадбири ташкил этилиб, уларга 10 миллиондан ортиқ томошабинлар қамраб олинди.**

# СОМОНИЙЛАР ДАВРИДА ҲАРБИЙ БОШҚАРУВ

*Ўзбек давлатчилиги тарихида муҳим ўрин тутган сулолалардан саналмиш сомонийлар ҳукмронлиги қандай тартибга риоя қилганини бугунги замондошимиз билиб қўйгани яхши. Ўша даврнинг (892 — 1005) сиёсий бошқарув тизими ўз илғорлиги билан ажралиб туради. Айниқса, давлатни Наср бошқарган паллада (914 — 943) кишилик тарихида янгилик ҳисобланмиш марказлашган бошқарув жорий этилган. Бу тизим асосини олий даргоҳ ва девон (вазирлик)лар мажмуи ташкил қилган. Улар тўлақонли фаолият кўрсатишлари учун Наср буйруғига кўра пойтахт Бухородаги Регистонда олий ҳукмдор ва ўнта вазир учун алоҳида-алоҳида бинолар қурилган эди.*

## Мозийдан садо

Девонлар, яъни ҳукумат тизими тизимлаштирилган. Бош вазир девони бутун ижроия ҳокимият, жумладан, тўққиз девон — вазирлик устидан назоратни амалга оширган.

Давлатда соқчилар бошлиғи девони фаолияти алоҳида эътиборга молик. Ушбу тузилма махсус сараланган ҳарбий қисмларга бошчилик қилиб, уларнинг тайёргарлиги, тартиб-интизоми, озиқ-овқати, умуман, хўжалик таъминоти, маоши масалаларига масъул эди. Масалан, маош уч-тўрт ойда бир тўлаб турилган.

Ҳар бир девоннинг жойларда бўлимлари бор эди. Улар марказдаги ўз девонларидан ташқари маҳаллий ҳокимларга ҳам бўйсуниб, маҳаллий бошқарув идоралари билан ҳамкорликда фаолият кўрсатган. Бундан хат-хабарлар хизмати девони мустасно ҳисобланиб, уларнинг маҳаллий бўлимлари фақат пойтахтга ҳисобот берган, холос. Зеро, улар маҳаллий ҳокимлар, мансабдорлар устидан пинҳона назорат олиб борган.

Соқчилар бошлиғи девони — ҳарбий вазирлик юқорида урғуланган вазифаларидан ташқари бозорлар, кўчалар ва жамоат биноларидаги тартибни назорат қилган. Унинг раҳбари бош вазирга эмас, балки тўғридан-тўғри амирга бўйсунган ва шаҳарнинг барча хавфсизлик кучларини бошқариш ваколатига эга бўлган.

Бу даврдаги яна бир муҳим ҳарбий лавозим қўшин бошлиғи саналиб, маълум бир ҳудуднинг қуролли кучларига раҳбарлик вазифасини бажарган. Одатда, бу лавозим мажбуриятлари ҳудуд волийси (ҳоким)га бириктирилган.

Сомонийлар даврида миллий қўшинимиз уч асосий турдан иборат эди. Биринчиси — давлатнинг асосий ҳарбий кучини ташкил этган ва жанговар ҳаракатларда муҳим роль ўйнаган отлиқлар. Иккинчиси — қаттиқ интизом ва махсус тайёргарликка эга бўлган пиёдалар. Учинчиси, ҳукмдор назорати остида фаолият юритган, ҳозирги тушунчада миллий гвардияга тўғри келадиган махсус ҳарбий қисм — ғуломлар гуруҳи.

Асосан, туркийлардан саралаб олинган ғуломлар гуруҳи олий ҳукмдорнинг энг ишончли кучи ҳисобланиб, саройдаги юқори лавозимларни эгаллаш ва мустақил ҳудудларни бошқариш имкониятига эга эди. Сомонийлар даврида давлат барқарорлигини мустаҳкам тутишда мазкур тузилманинг ўрни катта бўлган.

Ёлланма аскарлардан иборат мунтазам қўшин тузишга қаратилган илк уриниш Исмоил (892 — 907) даврида бошланган бўлиб, унинг таркиби ҳам, асосан, туркий ғуломлардан иборат эди. Улар махсус ҳарбий тайёргарликдан ўтган ҳамда ўзига хос жанговар билим ва кўникмаларга эга бўлган. Ҳар бир аскар хизмат давомида қатъий ва тизимли тарзда белгиланган босқичлардан ўтиши керак эди. Чунончи, биринчи йил аскар занданачи матосидан тикилган кийим кийиб, пиёда сифатида хизмат қилган. Иккинчи йили унга от, оддий юган ва камар, учинчи йил эса белига тақиб юрадиган қоражур қиличи берилган. Фақат бешинчи йилдагина унга яхши эгар, юлдуз белгили юган, доройи матосидан тикилган кийим, гурзи лойиқ кўрилган. Олтинчи йили қимматбаҳо кийим тақдим этилиб, агар ўтган йиллар давомида намунали хизмат қилган бўлса, еттинчи йили унга ўн олти қозиқли бош-оёқ чодир, гули кумуш ипдан тикилган намад бош кийим, висоқбоши унвони ва учта ғулом берилади.

Хизмат давомида юксак интизом ва қобилият кўрсатган ғуломлар аста-секин юқори мартабаларга эга бўлиб борган. Улар хайлбоши (отлиқлар бошлиғи) ва ҳожиб каби лавозимларга тайинланиб, давлат бошқарувида ҳам фаол иштирок этган.

Уруш майдонида қўшиннинг жойлашуви ҳамда қўлланган ҳарбий усуллар бўйича ҳам қизиқарли маълумотлар бор. Масалан, қўшиннинг олдинги саф, орқа саф, икки қанот ва асосий қисмдан иборат тузилиши беш устун дейилган. Олдинги сафда душман билан биринчи бўлиб тўқнашувчи, орқа сафда қўшиннинг орқа томонини ҳимоя қилувчи, икки қанотда қўшиннинг ён томонларини муҳофаза этувчи, ўртада бош қўшин қисмлари жойлаштирилган. Ушбу беш жанговар қисмдан ташқари орқа сафнинг икки томонида қўшимча қисмлар ҳам бўлиб, улар қанот вазифасини бажарган.

Кўриниб турганидек, сомонийлар даврида қўшиннинг етти қисмли мураккаб жанговар тузилмаси бўлган. Уларнинг ҳар бирига амирлар бошчилик қилган ва умумий бошқарувни олий ҳукмдор олиб борган.

Кардайс усули отлиқ қўшинларнинг тўғридан-тўғри ҳужумига асосланган бўлиб, унда отлиқлар бир ёки бир нечта қаторга саф тортиб, душман томон ёпирилган. Шу йўл билан ёв сафларини ёриб ўтиш, талатўпни келтириб чиқариш ва тезкорлик билан зарба беришга эришилган.

Яна бир қизиқ жиҳати шундаки, сўз кетаётган даврда уруш майдонида филлардан ҳам фойдаланилгани ҳақида маълумотлар учрайди. Ушбу ҳолат давлатнинг ўша кезлардаги жанубий чегаралари Ҳиндистонга яқинлиги билан изоҳланади, албатта.

Демак, ўнинчи юзйилликда ҳарбий бошқарув юқори даражада йўлга қўйилган бўлиб, унинг ҳам ҳуқуқий, ҳам иқтисодий асослари яратилган эди. Ушбу тажриба мамлакатни бошқарган кейинги сулолалар, қўшни давлатлар учун ҳам ўзига хос ўрнак бўлиб хизмат қилганини салжуқийлар даврининг атоқли арбоби, бош вазир лавозимида ишлаган Низомулмулк (1018 — 1092) ўзининг "Сиёсатнома" асарида алоҳида урғулаб ўтгани ҳам бежиз эмас.

**Улуғбек ОЛИМОВ,**
**ЎзФА Тарих институти кичик илмий ходими.**

Янги иқтисодий парадигма:

# ИННОВАЦИЯЛАР РУҲИЯТИ

*Бугунги жадал тараққиёт, иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши Ўзбекистоннинг инновацион муҳитини янада кучайтириш заруратини юзага келтирмоқда. Албатта, бунда мутахассис кадрларни тайёрлаш, олий ўқув юртларида инновацион иқтисодиёт бўйича таълим дастурларини кенгайтириш, тадқиқотларни кўпайтириш, жамиятда соҳага оид билимлар, янгиликларни тарғиб қилиш муҳим ўрин тутади.*

## Тадқиқот

Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан чоп этилган иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Акрам Ҳошимовнинг "Инновацион иқтисодиёт" дарслиги ана шу эзгу мақсадга хизмат қилиши билан аҳамиятли. Китоб бизнес ғоя, ишланма ҳамда инновацияларнинг моҳияти ва хусусиятини тушуниш, уларни таснифлаш, замонавий бизнес моделларини ҳаётга татбиқ этиш, интеллектуал мулк ва уни муҳофаза қилиш, тижоратлаштириш назарияларини, бу борадаги илғор хорижий тажрибаларни кенг китобхонлар оммасига, соҳа талабалари ва тадқиқотчиларига етказишда асқатиши муқаррар.

Янги дарслик ҳақида сўз кетар экан, аввало, кейинги йилларда мамлакатимиз иқтисодиётида амалга оширилган трансформация жараёнларини кўз олдимизга келтириш жоиз. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мамлакатимизда изчил ривожланиб бораётган бозор муносабатларини эътиборга олган ҳолда иқтисодий ислоҳотларни жадаллаштириш ҳаётга татбиқ этилаётган кенг кўламли туб ўзгаришларнинг муҳим таркибий қисмига айланди. Бу жараёнга нафақат реал сектор корхоналари, балки янги, илғор технологияларни яратаётган олимлар, конструкторлар, ишлаб чиқаришда меҳнат қилаётган ихтирочи-мутахассислар ҳам бевосита жалб этилмоқда.

"Инновацион иқтисодиёт" дарслиги Атроф-муҳитни асраш ва "яшил" иқтисодиёт йилида истиқболли инновацион ишланмалар ва стартап лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш, ёшлар бандлигини рағбатлантириш учун инновациялар ҳамда уларни тижоратлаштиришда, тўртинчи саноат инқилобининг асосий талабларини илмий асосланган тартибда амалга оширишда, қолаверса, "яшил" иқтисодиётга ўтиш учун инновацион сиёсат ва миллий инновацион тизимларни такомиллаштиришда дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Китоб олий таълим муассасаларининг иқтисодиёт, менежмент, инноватика бакалавриат таълим йўналиши талабалари, ўқитувчилар, докторантлар, мустақил изланувчилар ва инновациялар иқтисодиёти масалаларига қизиқувчилар учун мўлжалланган бўлиб, амалдаги давлат таълим стандартлари ва малака талаблари асосида тайёрланган. Жараёнда маҳаллий ва хорижий олимларнинг соҳага оид ўқув адабиётлари, илмий материалларидан кенг фойдаланилган. Мавзулар мантиқий кетма-кетликда баён қилинган бўлиб, уларни босқичма-босқич ўзлаштириш асосида талабада инновацияларнинг иқтисодий мазмун-моҳияти, мамлакат иқтисодиётини барқарор ривожлантиришдаги ўрни ва аҳамияти тўғрисида етарлича билим ҳамда кўникмалар шаклланади.

Дарслик ўзига хос содда тил ва ўқувчи онгига чуқур сингишга хизмат қилувчи интерфаол услубларга таянади. Жумладан, мавзулар баёнида дастлаб унга доир саволлар ўртага ташланган, кейин қисқача шарҳи берилган. Назарий билимлар ҳаётий мисоллар билан мустаҳкамланган. Мавзу саволлари маҳаллий ва хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда жадвал ва чизмалар ёрдамида батафсил ёритилган. Ҳар бир мавзу сўнгида қисқача хулосалар, олинган билимлар моҳиятини янада ойдинлаштириш учун саволлар, шунингдек, мавзуни ўзлаштириш бўйича тавсия этилаётган адабиётлар рўйхати келтирилган.

Китобда бир-бирини тўлдирувчи мавзулардан сўнг фан бўйича олинган билимларни янада мустаҳкамлаш ва текшириб кўриш учун турли мураккаблик ва кўринишга эга тест саволлари мажмуи келтириб ўтилган. Шу билан бир қаторда, талабанинг иқтисодий луғатини бойитиш мақсадида фанга оид асосий тушунча ва атамалар луғати тавсия қилинган.



Мазкур дарслик баъзи жузъий нуқсонлардан холи бўлмаса-да, ўқувчининг иқтисодий тафаккурини бойитишга, соҳага оид билим ва кўникмаларини мустаҳкамлашга ҳисса қўшади.

Инновация — тараққиёт замини. Инновацион фаолиятни ривожлантирган давлатлар технологик етакчиликни қўлга киритибгина қолмай, макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ижобий динамикасига ҳам эришмоқда. Ўзбекистоннинг ҳам инновацион ривожланиш бўйича ўзига хос йўли хорижлик олимлар, соҳа эксперт ва мутахассислари томонидан эътироф этиляпти. Хусусан, Ўзбекистон иқтисодиёти Марказий Осиёда ягона мамлакат сифатида илк марта 2020 йилда машҳур Глобал инновацион индексда 93-ўринни банд қилган эди. 2022 йилда 4 поғона юқорилаб, 132 давлат орасида 82-ўринни эгаллади.

"Ўзбекистон — 2030" стратегиясида мамлакатимизда макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, жадал иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, 2030 йилгача бўлган муддатда Ўзбекистонни инновацион жиҳатдан тараққий этган кучли элликталик мамлакатлар қаторига олиб чиқиш вазифалари белгиланган. Демак, юксак марралар ҳали олдинда. Бу эса инновацияларга муттасил равишда жиддий ёндашувни талаб қилади.

Шундан келиб чиққан ҳолда "Инновацион иқтисодиёт" китобида инновациялар табиати ўрганилгани, иқтисодиётга таъсири таҳлил қилингани, уни янада ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари кўрсатиб берилгани қўлланманинг қадр-қиммати ва аҳамиятини янада оширади.

**Қаландар АБДУРАҲМОНОВ,**
**академик.**

## Тадбир

*Бўка туманидаги "Баркамол авлод" болалар мактабида 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан "Менинг армиям — менинг фахрим!" шиори остида байрамона тадбир ўтказилди.*

# ЭЛ-ЮРТ ҲИМОЯСИ – ЮКСАК ФАХР

Унда Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони томонидан миллий армиямизни такомиллаштириш, унинг жанговар қобилияти, мудофаа салоҳиятини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган ишлар қаторида ёшларда ҳарбий ватанпарварлик тарбиясини янада кучайтиришга алоҳида урғу берилаётгани бежиз эмаслиги таъкидланди. Зеро, Ватанни ҳимоя қилиш, уни кўз қорачиғидек асрабавайлаш шу юрт фарзандиман деган ҳар бир инсон учун муқаддас бурч. Бу вазифани эса қалби ватанпарварлик туйғусига лиммолим, фикри уйғоқ, муайян ҳарбий билим ва кўникмалардан хабардор киши муносиб уддалайди.

Тадбирда ўқувчиларнинг "Менинг армиям — менинг фахрим!" мавзуидаги энг яхши тасвирий санъат асари танлови иштирокчиларининг кўргазмаси намойиш этилди. Театрлаштирилган саҳна кўринишлари, Ватанни мадҳ этган гўзал шеър ва куй-қўшиқлар йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Ота-оналар ватанпарварлик тарбияси оиладан, боғчадан, мактабдан бошланишини, шу маънода, бундай тадбирлар ёшларда миллий армиямизга чексиз ҳурматни, эл-юрт ҳимоясидаги алп йигитларга нисбатан ифтихорни тарбиялашини қайд этди.

**Гулчеҳра ИБРОҲИМОВА,**
**Бўка туманидаги «Баркамол авлод» болалар мактаби услубчиси.**

# Дала четларидан унумли фойдаланган ютади

Қулайлик

*Президентнинг тегишли қарорига мувофиқ, дала четлари ҳамда аҳоли томорқаси, хонадонлар ва кўп қаватли уйлар олди, маҳалланинг ички кўчаларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш бўйича янги тизим жорий этилади.*

Биргина дала четларидан самарали фойдаланган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларни қўллаб-қувватлаш бўйича ички фитосанитария сертификати бир йил давомида бепул бериладиган бўлди.

Шунингдек, дала четларига экилган "In vitro" усулида яратилган мевали пайвандтагли кўчатларни сотиб олиш харажатларининг 50 фоизи миқдорида, бироқ ҳар бир мевали пайвандтагли кўчатга 25 минг сўмдан ошмаган ҳолда Агросаноатни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармасидан белгиланган тартибда субсидия ажратилади.

**«Халқ сўзи».**

# БИР ОЛМАНИНГ ИККИ ЮЗИ

*Жондор туманидаги Охших маҳалласида истиқомат қилувчи Собир Арабов тирикчилик важидан икки йилча совуқ ўлкаларга бориб ишлади. Мусофирлик машаққатларини чекди. Энди у кунлар юртдошимиз учун ўтмишга айланди. У айни дамда маҳалладаги "Нажмиддин Комил" масъулияти чекланган жамиятида меҳнат қилмоқда.*

## Таҳлил ва таққос

— Оилавий корхонамиз мебель маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган, — дейди жамият раҳбари Камол Раҳимов. — Уч нафар шогирдим бор. Буёғини сўрасангиз, оддий дурадгор уста эдим. Давлатимиз яратиб бераётган имкониятлардан фойдаланиб, фаолиятимизни кенгайтириш фикри туғилди. Айниқса, "Охших" кичик саноат зонасининг ташкил этилгани маҳалламизнинг менга ўхшаган дурадгор усталари учун айни муддао бўлди. Маҳалламиз масъуллари қўллаб-қувватлаши билан қисқа муддатда корхона таъсис этиб, мебель маҳсулотлари тайёрлашга киришдик. Банкдан ажратилган 1 миллиард 200 миллион сўм маблағ эвазига замонавий дастгоҳлар харид қилдик. Ишлаб чиқариш цехи биносини тикладик.

Айтиш жоизки, дурадгорлик ва мебелсозлик Охших маҳалласининг драйвери, яъни "ўсиш нуқтаси" саналади. Бу ерда азалдан шу ҳунарга меҳр қўйган, дурадгорлик ортидан рўзғорини бут, бозорни тўкин этиб келаётган сулолаларнинг давомчилари яшайди. Улар саъй-ҳаракати билан ҳудудда "Бир маҳалла — бир маҳсулот" тамойили асосида айтса арзигулик ишлар амалга оширилмоқда. Ҳудудда мебелсозликка ихтисослаштирилган ўнга яқин йирик корхоналар фаолият юритмоқда. Маҳаллий ёшлар тажрибали усталарга шогирд тушиб, стол-стул, шкаф, диван, кресло, ошхона жиҳозларини тайёрлаш сир-асрорларини ўрганаётир. Юмшоқ ва қаттиқ мебеллар буюртма асосида қўшни вилоятларга ҳам етказиб берилмоқда. Корхоналарнинг жами йиллик товар айланмаси 15 миллиард сўм атрофида. 40 турдаги мебель маҳсулотлари ишлаб чиқарилаётганининг ўзиёқ кўп нарсани англатади.

Маҳаллада тўрт мингга яқин аҳоли истиқомат қилмоқда — 684 та хонадон бор. Ҳудудда хизмат кўрсатишнинг бошқа йўналишлари ҳам ривожланиб бораётир. Бу ҳозир долзарб саналган бандлик масаласига ечим топиш имконини бермоқда.

— Мен ҳам Собир акага ўхшаб Россияга ишлагани борганман, — дейди маҳалладаги "Интизор файз мебель Бухоро" масъулияти чекланган жамияти ишчиси Фазлиддин Ҳакимов. — Кетар чоғимда қизчам олти ойлик чақалоқ эди. Икки йилдан ошиб, уйга қайтдим. Бу орада қизалоғимнинг тили чиқибди. Аммо мендан ётсираб, анчагача кўникolмади. Ҳатто бир муддат "амаки" деб чақириб юрди. Мен шунда уйдан минглаб чақирим олисдалигимда фарзандимга оталик меҳру муҳаббати етишмаганини англаб, жуда ўксиндим. Ҳозир оилам даврасидаман. Болаларим тарбиясига вақт топяпман. Муҳими, қўлимда ҳунарим бор. Халқимиз "Қозонда бори чўмичга чиқади" деб бежиз айтмаган.

Фазлиддиндан фарқли тарзда 25 ёшли Бобомурод Асадов хорижга ишлагани кетсамми-кетмасам, деган икки ўт орасида. Тумандаги Пўлоти маҳалласида яшовчи бу йигит икки ойча Россия Федерациясида ишлади, аммо оилавий сабабга кўра уйга қайтишга мажбур бўлди. Бобомуродни маҳалла биносида учратиб қолдик. Ёрдам пули умидида келган экан.

— Икки нафар фарзандим бор, — дейди у. — Турмуш ўртоғим ҳеч қаерда ишламайди. Ўзим дуч келган ишни қилиб, уч-тўрт сўм пул топаман. Чақалоғимизга кашани 187 минг сўмга сотиб оламиз. Уч кунга етади. Шунинг ўзига бир ойда салкам икки миллион сўм кетади. Отам, қариндош-уруғлардан кўмак оламиз. Шундай бўлса-да, қарзим 6-7 миллион сўмга бориб қолди. Айни ишлайдиган пайтим — орзу-ҳавасларим бор. Шуларни ўйлаб, баҳорда хорижга ишлагани кетсаммикан, деб турибман.

Дарвоқе, маҳалла биноси эрталабдан одамлар билан гавжумлашади. Кимдир "бола пули", кимдир моддий ёрдам сўраб келган, яна кимдир оилавий низо гирдобига тушиб қолган. Мурожаатчиларнинг гап-сўзларини тинглаб, ҳудудда боқимандалик авжига чиққанига амин бўласиз.

Маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси Азизбек Раҳмоновнинг таъкидлашича, кўплаб фуқаролар онгида "Бир четга чиқиб ишлаб келишим керак", деган рефлекс ҳосил бўлган. Аксарияти қўлимда ҳунарим борми, бегона юртда тил билмай қийналиб қолмайманми, деган саволни ўзига бермайди. Оқибатда кутилмаган ташвишлар, муаммоларга дуч келиб, қийин аҳволга тушади.

Маҳаллада 2240 та оила, жами 8 минг 360 киши яшайди. Мавсумий ишлайдиган иккита ғишт заводини ҳисобга олмаса, ҳудудда йирикроқ корхона ҳам йўқ. Чоғроқ тикув цехлари, иссиқхоналар бор, аммо улар билан бандлик масаласини ҳал этиш мушкул. Даромадли иш топилмагач, маҳалла фуқароларининг хорижга иш излаб кетиши одатий ҳолга айланган. Дейлик, 2024 йилги мавсумда 871 киши хорижга ишлагани жўнаган. Тўғри, уларнинг аксарияти совуқ тушиши билан ортига қайтди. Ҳозир уйда, оиласи бағрида. Аммо яшириб нима қилдик, кўпчилиги кўклам келиши, кунлар илишини кутмоқда. Уларнинг яна ўзга юртларга отланиши эҳтимоли катта.

— Ҳудудимизда 14 — 30 ёшли 1 минг 701 нафар ўғил-қиз бор, — дейди маҳалла ёшлар етакчиси Ферузбек Шоназаров. — Уларнинг асосий қисми мактабларда, 325 нафари олий ўқув юртларида таҳсил олади. Хорижда ишловчилар сони мавсум пайтида 100 нафардан ошади. Ҳозир ҳам 18 нафари четда.

Қайтиб келганлар айни пайтда қандай иш билан машғул? Уларнинг бандлиги тўлиқ таъминландими? Бобомуродга ўхшаган қўлида ҳунари бўлмаган ёшларга касб-ҳунар ўргатиш ишлари қай аҳволда? Бугун-эрта мактабни тугаллаб ишламоқчи бўлган ўғил-қизларга қандай иш ўринлари таклиф этилади? Афсуски, аҳоли, жумладан, ёшлар сони кўп ҳудуд саналган Пўлотида шу каби саволларга жавоб олиш мушкул.

Бир олманинг икки юзи бор, деганларидек юқорида аниқ мисол ва таҳлиллар асосида келтирилган маҳаллаларда ҳолат икки хил, аммо ишончимиз комилки, тез орада Пўлоти маҳалласида вазият ўзгаради.

Фикримизча, бунинг учун бандлик масаласини ҳал этишда яхши натижа кўрсатган Охшихга ўхшаган маҳаллалар тажрибасини обдан ўрганиш, аҳоли ўртасида тарғибот ишларини олиб бориш, тадбиркорликни ривожлантириш, 40 — 50 иш ўрнига эга корхоналар барпо қилиш зарур. Бунда "маҳалла еттилиги"га вилоят, туман масъулларининг, соҳага дахлдор ташкилотларнинг кўмаги керак бўлади, албатта. Токи, оз эмас-кўп эмас, 8 мингдан зиёд аҳоли яшайдиган Пўлоти маҳалласи ҳар жиҳатдан намунали, ишсизликдан холи ҳудудга айлансин!

**Истам ИБРОҲИМОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

**Бугун Ўзбекистон Миллий кино санъати саройида ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари фаолиятига бағишланган «Адолат» фильмининг премьераси бўлиб ўтади.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 142. 12 620 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-45.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Р. Бобожонов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.43 Топширилди — 23.55 1 2 3 4 5 6